

“Тасдиқлайман”

“UzXCMG” МЧЖ ҚК бош директори

А.Р.Ишчанов.

2022й

“UzXCMG” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан 2022 йил якунлари бўйича БХМС асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, бухгалтерия материаллари ва ҳисоботларнинг мувофиқлигини текшириш ва бошқа ташкилот томонидан амалга оширилган БХМС асосида тузилган молиявий ҳисоботларни МҲХС га трансформация ҳисоботига хулоса бериш хизмати бўйича

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ

### Умумий қисм.

Танлашда иштирок этиш таклифи.

### 1. Умумий ҳолат.

- 1.1. Ушбу танлов ҳужжатлари 22.04.2021 йилдаги 684-сонли "Давлат харидлари тугрисида" ги Ўзбекистон Республика Қонуни (кейинги уринларда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2. Танлов мавзуси: корхонада 2022 йил якунлари бўйича БХМС асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, бухгалтерия материаллари ва ҳисоботларнинг мувофиқлигини текшириш ва ушбу БХМС асосида тузилган молиявий ҳисоботларни бошқа ташкилот томонидан амалга оширилган МҲХС га трансформация ҳисоботларига хулоса олиш.
- 1.3. Танловнинг киймати – корхонанинг 2022 йил якунлари бўйича БХМС асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, бухгалтерия материаллари ва ҳисоботларнинг мувофиқлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва бошқа ташкилот томонидан амалга оширилган МҲХС га трансформация ҳисоботларига хулоса бериш хизмати бўйича 48 000 000 (қирқ саккиз миллион) сўмни ташкил қилади. Ушбу кийматдан юқори билдирилган таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4. Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.5. Танлов комиссиясининг йиғилиш шакли – онлайн.
- 1.6. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта сумда амалга оширилади.
- 1.7. Тулов тартиби пул ўтказиш йули билан (Олдиндан тулов -15%, қолган 85% тулов иш бажарилгандан сўнг) амалга оширилади.
- 1.8. Танловда иштирок этиш учун таклифни ўзбек ёки рус тилларида тақдим қилиши лозим.
- 1.9. Иштирокчиларга танлов бўйича ҳужжатлар тақдим қилиш электрон тарзда амалга оширилади.
- 1.10. Ўтказиш муддати 5 кун.
- 1.11. Ушбу қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари электрон тизим томонидан энг яхши таклифни танлаш ва электрон овоз бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.
- 1.12. Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция ҳолатларига йул қуймаслик.

## **2. Танлов ташкилотчилари.**

- 2.1. Буюртмачининг номи – “UzXCMG” МЧЖ ҚК (Бундан кейин – Буюртмачи деб номланади)
- 2.2. Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (Бундан кейин - комиссия).
- 2.3. Танлаш камида 6 кишидан иборат, Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссия таркиби томонидан ўтказилади.

## **3. Танлов иштирокчилари.**

- 3.1. Мулкчилик шаклидан катъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2-бандда курсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

## **4. Танловни утказиш тартиби.**

- 4.1. Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:
  - а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш).
  - б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;
- 4.2. **Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари қўйидаги ҳолларда таъқиқланади:**

*Кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;*

*“Буюртмачи” билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;*

*Ноинсоф изрочилар ягона реестрида кайд этилганлик ҳолатида;*

*Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар буйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатда ўтган ва банк ҳисоб рақамига эга бўлганлар;*

- 4.3. Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги бошқа собиқ мансабдор шахсни ёки ходимини бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш хақи, иш таклифи ёки ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни тақлиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш. Давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобатни тартибини қўллаш;

Иштирокчи қонуни бузилган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тукнашувига эга.

## **5. Танлов тили ва ўлчов бирлиги.**

- 5.1. Танлов таклифи: иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши мумкин.

## **6. Танлов таклифи.**

- 6.1. Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида қўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.
- 6.2. Иштирокчилар тақдим қилинган маълумот ва ҳужжатларининг хақиқийлиги учун жавобгардирлар.
- 6.3. Иштирокчилар томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар, тасдиқланган ҳолда сканерлаштирилиб PDF форматда, электрон тарзда юклатилади.
- 6.4. Комиссия фақат танловда қўйилган талаблар бўйича тақдим қилинган ҳужжатлар учун жавобгардир.
- 6.5. Танловга қўйилган (Порталда бошланиш ва тугаш вақти қўрсатилган) вақтдан бошлаб, то тугаш вақтигача иштирокчи ўз таклифларини тақдим қилади.

## **7. Таклифлар бўйича танлов тартиби.**

- 7.1. Таклифларни қўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, танлов комиссияси ушбу таклифни қўриб чиқиш ва баҳолашни рад этишга ҳақлидир.


7.2. Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга караб баҳолайди.

7.3. Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланган ҳолда шартномани бажариш учун энг яхши таклифларни билдирган ва керакли ҳужжатларни тақдим қилган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.

#### **8. Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги, махфийлик.**

8.1. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли қирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари, комиссия раиси, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошқор қилиш, иштирокчилар комиссиянинг бошка аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан ўзаро тил бириктирилиши, шунингдек бошка ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (микдорий, сифат ва техник курсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ёки тузилган шартнома мажбурияти бўйича жавобгар бўлади.

Бош ҳисобчи:



Д.Машарипов.